
Марғилон шаҳрида Azia уз номли янги савдо мажмуаси очилди

Марғилон шаҳрида "Шарқона ягона савдо" МЧЖга қарашли Azia уз номи остида яна бир янги савдо мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида сектор раҳбарлари иштирок этдилар. Мазкур комплекснинг иш туширилишини натижасида шаҳардаги Аёллар ва Ёшлар дафтарларида рўйхатда турувчи 100 дан зиёд вақтинча ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Келгусида ишчи ўрни сонини яна 150 тага ошириш режалаштирилган. Мазкур савдо мажмуасидан юртдошларимиз 16 минг турдаги маҳсулотларни харид қилишлари мумкин.

2021-06-26 20:56:58